



Маркетинг стратегияси – муваффақият калити

Siberian Wellness – деярли 30 йиллик тарихга эга халқаро компания бўлиб, соғлиқни сақлаш, гўзаллик, спорт маҳсулотлари ҳамда эксклюзив атирлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бугунги кунда компания дунё бўйлаб 60 дан ортиқ мамлакатларда фаолият юритади, маҳаллий бозор талабларига мос инновацион ечимларини тақдим этади. Ўзбекистонда компания 2010 йилдан бери фаолият юритиб, нафақат ваколатхона очган, балки Наманганда агросаноат кластерини ташкил этган, унга ўз ишлаб чиқариш мажмуаси ва мевали боғлар киритилган.

Муаммо

Ўзбекистондаги муваффақиятли фаолиятга қарамай, 2023 йилдан бошлаб Siberian Wellness корхонаси мижозлар сонини бир неча йил ичида икки баробар оширишни мақсад қилган. Бренд-маслаҳатчилари фаолияти орқали сотувларни ошириш бўйича стандарт ёндашувдан ташқари бренднинг танилиш даражасини оширишга инвестиция киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди, бу фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва компания маҳсулотларига ишончни ошириш мақсадида қилинган.

Асосий муаммолар:

- Витаминлар ва биологик фаол қўшимчалар (БФҚ) бозорида бренднинг танилиш даражаси етарли эмаслиги.
- Савдо ҳажмларининг фақат бренд-маслаҳатчилари фаоллигига боғлиқлиги.
- Мижозлар садоқатини ошириш ва мўлжалдаги аудитория кўз ўнгидаги имижини мустаҳкамлаш зарурати.

Ечим


Бу муаммоларни ҳал қилиш учун 2023 йил март ойида ўтказилган кенг қўламли маркетинг тадқиқоти маълумотларига асосланган стратегия ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда 2000 дан ортиқ фойдаланувчиларнинг жавоблари таҳлил қилинди ва қуйидаги асосий кўрсаткичлар олинди:

- 9% респондентлар «Siberian Wellness» брендини кўмаксиз эслашди.
- 60% брендни кўмак билан танишган.
- 59% респондентлар маҳсулотдан шахсан фойдаланиш тажрибасига эга бўлиб, шулардан 26%и доимий мижозлардир.
- CSI индекси (мижозларнинг қониқиш индекси) 89,38%ни ташкил этди.
- Бренд билан таниш бўлган фойдаланувчилар ўртасида NPS (садоқат индекси) 32,8%ни ташкил этди.

Бу маълумотларга асосланган ҳолда комплекс маркетинг тадбирлари ишлаб чиқилди, у қуйидаги босқичларни ўз ичига олди:

1. Онлайн ОАВ орқали бренднинг танилиш даражасини ошириш:

- Ўзбекистоннинг асосий нашрларида чоп этиш. 1,5 йил давомида ОАВда 130 дан ортиқ мақолалар чоп этилди, умумий қамрови 7,4 миллион ўқувчини ташкил этди.
- Siberian Wellness ишлаб чиқариш майдонлари билан танишиш мақсадида ўзбек журналистлари учун Сербияга пресс-тур ташкил этиш.
- 2025 йилга режа: ўзбекистонлик журналистлар учун Наманганга пресс-тур ташкил этиш.



2. Бренд элчиларини жалб қилиш:

- Ўзбекистоннинг турли минтақаларидан ўзбек тилида сўзловчи диетологлар, нутрициологлар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларни жалб қилиш.
- Мўлжалдаги аудитория билан алоқани мустаҳкамлаш учун фаол турмуш тарзини олиб борадиган шахслар, спортчилар ва оналарни бренд элчилари сифатида жалб қилиш.

3. Блогерлар билан ишлаш:

- 2023 йилда 10 та етакчи блогерлар иштирокида тадбир ўтказилди, бу эса 3,4 миллион кишини қамраб олди.
- 2024 йилда янги ROSE EDITION коллекциясини тақдим этишга бағишланган тадбирда 54 та блогер иштирок этиб, 7,1 миллион кишилик аудитория қамраб олинди.

4. Экологик ташаббуслар:

- «100 Га» корпоратив лойиҳаси доирасида ходимлар ва волонтерлар томонидан 16 та мамлакатда 1 миллион 800 мингдан ортиқ дарахт экилди.
- Ўзбекистонда «100 Га» лойиҳаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация



маркази кўмагида ташкил этилган «Менинг Орол денгизидagi боғим» дастурининг бир қисмига айланди.

- 2023 йилдан бошлаб Ўзбекистонда дарахт экиш бўйича 4 та тадбир ўтказилди, 499 та волонтерлар томонидан 14720 та дарахт экилди.

5. Спорт ва ишбилармонлик тадбирларида иштирок:

- Ўзбекистонда дуатлон ва марафон чемпионатларини қўллаб-қувватлаш.
- «World Triathlon Cup Samarkand – 2024» ва «World Triathlon Para Cup Samarkand – 2024» Ўзбекистон триатлон ва паратриатлон чемпионати, Uzbek Race 2023, Challenge Samarkand 2023, VI Тошкент халқаро марафони сингари тадбирларда иштирок этиш, шунингдек, спортчиларнинг халқаро мусобақаларда қатнашишларини қўллаб-қувватлаш.



- 2023 ва 2024 йилларда Ўзбекистонда Wellness маҳсулотларини ривожлантиришда қўшган ҳиссаси учун MAKON Marketing Forumда «Йил бренди» номинациясида ғалаба.

Натижалар

Кенг қамровли маркетинг тадбирларининг амалга оширилиши қуйидаги натижаларга олиб келди:

- **Товар айланмаси** 2023 йилда 22% га, 2024 йилда эса 6% га ошди.
- **Бренднинг танилиши сезиларли даражада ошди:** блогерлар ва ОАВдаги тадбирларнинг қамрови 17,9 миллион кишидан ошди, бу Siberian Wellnessнинг мўлжалдаги аудитория орасида танилишини сезиларли даражада оширди.
- **Компания имижининг мустаҳкамланиши:** Орол денгизининг қуриган тубида дарахтлар экишдек муваффақиятли экологик ташаббуслар корхонанинг ижтимоий масъулиятли бренд сифатидаги обрўсини оширди.

Шу тариқа бозор ва мижозлар эҳтиёжларини муфассал ўрганишга асосланган тўғри стратегия, шунингдек, фаол маркетинг ва ижтимоий фаолият орқали Siberian Wellness корхонаси Ўзбекистон бозорида ўз позициясини сезиларли даражада мустаҳкамлади ва бренднинг танилиши ҳамда садоқатли мижозлар базасини кенгайтиришда катта муваффақиятларга эришди.

